

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАКУЛОВА ШАХЛО ХАМИДУЛЛАЕВНА

АВИАЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ
ЗАНЖИРИДА ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА УЛАРНИ
МИНИМАЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

14.00.07 – Гигиена

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бабакулова Шахло Хамидуллаевна

Авиайўловчилар учун озиқ-овқат таъминоти занжирида хавф
омилларини баҳолаш ва уларниминималлаштириш
стратегияларини ишлаб чиқиш..... 3

Бабакулова Шахло Хамидуллаевна

Оценка факторов риска в цепочке поставок продуктов
питания на борту самолетов и разработка стратегий
по их минимизации..... 21

Babakulova Shaxlo Xamidullaevna

Assessing risk factors in the in-flight food supply
chain and developing mitigation strategies..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАКУЛОВА ШАХЛО ХАМИДУЛЛАЕВНА

АВИАЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ
ЗАНЖИРИДА ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА УЛАРНИ
МИНИМАЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

14.00.07 – Гигиена

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.2.PhD/Tib5882 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashmeduni.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган..

Илмий раҳбар:

Худайберганов Анатолий Сагатбаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамракулова Мукаддасхон Аскарловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кайнарбаева Майкуль Сейдуллаевна
тиббиёт фанлар номзоди, доцент (Козоғистон)

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университетининг 10-ўқув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: info@tashmeduni.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй; Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2026 йил « ____ » _____ да тарқатилди.

(2026 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

Ф.И.Саломова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳаво транспортида йўловчи ва экипаж аъзоларига хизмат кўрсатиш тизими нафақат белгиланган манзилга етказиш, балки организмни энергетик сарфи орқали таъминотини ўз ичига олади. Ушбу овқатланиш турлари авиакомпания бюджети, мавсум, парвоз давомийлиги, хизмат кўрсатиш классси, учуш вақти, соғлом овқатланиш тамойиллари, миллий хусусиятлар, йўловчининг ёши ва индивидуал хусусиятларга боғлиқ ҳолда шакллантирилади «...ҳаво лайнерларида овқатланиш сифатини таъминлашнинг энг муҳим муаммоси таом тайёрлаш ва ҳаво кемаси бортида сақлаш босқичларида совуқлик тартибига риоя қилиш, микроорганизмларга таъсири, уларнинг ферментлари фаоллиги ва субстратдан озук моддаларини ўзлаштиришини пасайтириши, бу эса кўпайиш ва ўсиш жараёнларининг секинлашиши ёки тўхташига олиб келади. Самолёт бортида озиқ-овқат маҳсулотларини совутиш учун асосан куруқ муз (қаттиқ ҳолатдаги CO₂) ёки контейнерга бериладиган ёки маҳсулотлар бўлган контейнер атрофида тақсимланадиган ўта совутилган ҳаво ишлатилади...»¹. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳаво кемалари йўловчилари ва экипажлари учун юқори сифатли озиқ-овқат таъминоти занжирида хавф омилларини баҳолаш ва уларни минималлаштириш стратегияларини ишлаб чиқиш замонавий профилактик тиббиётнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда авиайўловчилар учун озиқ-овқат таъминоти занжирида хавф омилларни баҳолаш ва уларни минималлаштириш стратегияларни ишлаб чиқиш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада борт тайёр маҳсулотларининг озиқавий ва биологик қийматининг амалдаги ҳолати, ишлаб чиқаришда критик назорат нуқталари, технологик жараёнлардаги хавфли босқичларининг потенциал хавф омиллари, тайёр таомларини ишлаб чиқиш ва реализация қилишда кимёвий, санитар-гигиеник ва микробиологик кўрсаткичларини назоратида танқидий нуқталарда хавфни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқиш ва тарқатиш жараёнида НАССР тизимини жорий этиш ҳамда самарадорлигини баҳолаш, хавфларни бошқариш ва критик назорат нуқталари самарадорлигини мониторинг асосида таҳлил қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли хизматлар соҳасида аҳоли саломатлигига салбий таъсирларни олдини олиш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария хизматида

¹Трухина Г.М., Борисова Н.А., Микаилова О.М., Дрозд Н.А. Оценка с микробиологических позиций эффективности способов охлаждения и замораживания готовой продукции для бортового питания. Гигиена и санитария. 2024; 103(12): 1514–1520. <https://doi.org/10.47470/0016-9900-2024-103-12-1514-1520>
<https://elibrary.ru/vbgdqj>

аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, авиайўловчилар учун озиқ-овқат таъминоти занжирида хавф омилларни баҳолаш ва уларни минималлаштириш стратегияларни ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Самолёт таомларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш учувчилар таркиби ва авиайўловчилар соғлиғини ҳимоя қилишдаги энг муҳим вазифалардан бўлиб, бунда маҳсулотни тайёрлаш технологик цикли, тайёр маҳсулотни ҳаво кемаси бортига етказиш ва парвоз шароитида сақлаш жараёнида хавфли омилларни ёки уларнинг шаклланишига имкон берувчи шароитларни аниқлашга асосланади [Щербаков Г.Д. 2023; Микаилова О.М., Трухина Г.М., Попова А.Ю. 2008]. Ҳаво кемалари йўловчилари ва экипажлари учун юқори сифатли овқатланиш, мижозларнинг таъм таъсиротларига индивидуал ёндашиш самолёт таомлари цехларининг асосий вазифасидир. Самолёт таомларини ишлаб чиқаришнинг мураккаблиги рейслар сонининг ортиши, йўловчилар оқимининг беқарорлиги, махсус парҳезларнинг кенг доираси, йўловчиларнинг таомга бўлган гигиеник ва диний талаблари билан боғлиқ [Тычинский В.И. 2019; Lin W. 2017]. Озиқ-овқат маҳсулотларининг микробиологик хавфсизлиги, кимёвий ифлосланиш омиллари ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларида санитар-гигиеник талабларнинг бажарилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилган (Jones P., 2019; IFSA/IATA, 2021]. Халқаро миқёсда борт овқатланиш тизимида НАССР асосидаги хавф таҳлили ва критик

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

назорат нуқталарини жорий этиш бўйича ЖССТ, ФАО ва ИСАО тавсиялари ишлаб чиқилган [FAO/WHO, Amended 2020–2022]. Айрим тадқиқотларда авиация катеринги корхоналарида технологик жараёнларни стандартлаштириш ва микробиологик кўрсаткичларни назорат қилишнинг самарадорлиги асослаб берилган [Г.И.Шайхова, 2023; Jones P., 2016; Hocking A.D., 2014]. Шу билан бирга, мавжуд илмий ишларда борт озиқ-овқат маҳсулотларининг озиқавий ва биологик қийматини комплекс баҳолаш, хавф омилларини маҳаллий шароитларда миқдорий таҳлил қилиш ҳамда НАССР тизими мониторинги асосида баҳолаш масалалари етарли даражада ёритилмаган [World Food Safety Guidelines for Airline Catering. International Flight Services Association (IFSA) / IATA. – 2021.]. НАССР мезонлари доимий мониторинг ва хавфларни превентив (олдиндан) баҳолаш, профилактика чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга тезкор муносабат билдириш ва профилактика механизмлари самарадорлигини таҳлил қилишга асосланади [FAO.,2015]. Овқатланиш хавфсизлигини бошқариш воситаси сифатида ҳамма жойда НАССР концепцияси — хавфли омилларни критик назорат нуқталари бўйича таҳлил қилиш тизими қўлланилади. Бу тизим маҳсулот хавфсизлигига сезиларли таъсир кўрсатадиган хавфли омилларни тизимли равишда аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш, ходимларни огоҳлантирувчи тадбирларни тизимли белгилаш ва бажаришга йўналтиради. Россияда НАССР тизими расман 2001 йилда жорий этилган [А.Ю.Попова, МР2.3.6.0233–21], бизда бу тизим ҳали амалга оширилмаган, ушбу тизим умумий овқатланиш корхоналар талабларига мослаштирилган бўлиб, самолёт таомларини ишлаб чиқаришдаги ҳар бир технологик босқичга қўйиладиган талабларни белгиловчи стандарт ишчи жарёнлардан ҳамда мониторинг, яъни ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида барча потенциал хавфли омилларни кузатиш усулларидан иборат. Бу эса ҳаво транспорти хизматларидан фойдаланишда йўловчилар манфаатларини зарур даражада хавфсиз таъминлаш ва ҳимоя қилиш, самолёт таомларининг йўловчи ва ҳаво кемаси экипажи аъзолари соғлиғига эҳтимолий зарарли таъсирини истисно қилиш имконини беради [ГОСТ-Р 51705.1–2001;WHO. Global strategy for food safety 2022-2030: Towards stronger food safety systems and 2022–2030 cooperation. Geneva; 2022].

Ўзбекистонда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, йирик саноат объектлари ва айрим қишлоқ хўжалиги тармоқлари, касбий хавф омиллари ва ишчиларнинг нутритив статусини ўрганишга қаратилган қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда [Г.И.Шайхова, 2024; 2025; Н.Ж.Эрматов, 2019; 2025; А.С.Худайберганов, 2023; 2025; Д.Ш.Алимухамедов, 2022; 2025.], бироқ, авиайўловчилар учун озиқ-овқат таъминоти занжирида хавф омилларни баҳолаш ва уларни минималлаштириш стратегияларни ишлаб чиқилмаган.

Мавжуд ҳолатнинг ҳаво кемалари йўловчилари ва экипажлари учун юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, парвоз хавфсизлиги ва хизмат сифатига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, ушбу муаммони чуқур ўрганиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Бироқ, ушбу йўналишда тизимли илмий тадқиқот ишларининг етарли эмаслиги мазкур

илмий ишни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03—4974 «Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактик ёрдамни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавфли омилларни бартараф этиш» (2018–2024 йй) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади борт овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш жараёнида ифлосланиш хавфларини баҳолашни ва уларни бошқаришда критик назорат нуқталари мезонларини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

борт озиқ-овқат маҳсулотларининг озиқавий ва биологик қийматининг амалдаги ҳолатини баҳолаш;

борт озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда критик назорат нуқталари, технологик жараёнлардаги хавфли босқичларининг потенциал хавф омилларини баҳолаш;

борт озиқ-овқат маҳсулотлари, тайёр таомларни ишлаб чиқиш ва реализация қилишда кимёвий, санитар-гигиеник ва микробиологик кўрсаткичлар бўйича назорат қилинадиган танқидий нуқталарда хавфни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

борт тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш жараёнида НАССР тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлиги, хавфларни бошқариш ва критик назорат нуқталари самарадорлигини мониторинг асосида таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2023–2025 йилларда «Кейтеринг» МЧЖ фаолияти борт озиқ-овқат маҳсулотлари, йўловчиларнинг ўртача кунлик рационини, ишлаб чиқариш технологик жараёнлари, хом-ашё ва тайёр маҳсулотларнинг физик-кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлари бўйича лаборатор текширув баённомалари, 2000 дан ортиқ анкета ва 1000 дан зиёд лаборатор текширув натижалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида учувчилар таркиби ва авиайўловчилар сони, «Кейтеринг» МЧЖ фаолиятидаги самолёт таомларининг сифати ва хавфсизлиги, маҳсулотни тайёрлаш технологик цикли, тайёр маҳсулотни ҳаво кемаси бортига етказиш ва парвоз шароитида сақлаш жараёнида хавфли омиллар ёки уларнинг шаклланишига имкон берувчи шароитларни аниқлаш ва НАССР тизимини жорий қилиш ва тайёрлаш занжиридаги гигиеник талабларни баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда гигиеник, аналитик, ижтимоий-гигиеник, микробиологик, биокимёвий, инструментал ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

борт овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва авиайўловчиларга етказиш жараёнида гигиеник талабларга риоя

этилишини комплекс баҳолаш асосида маҳаллий хомашёни етиштиришдан тортиб тайёр маҳсулотни реализация қилишгача бўлган босқичларда критик назорат нуқталари аниқланган;

борт овқатланиш тизимида НАССР тамойилларини жорий этиш орқали маҳсулотларни сақлаш жараёнида уларнинг озиқавий ва биологик қиймати бузилишининг олдини олиш, маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда авиайўловчилар саломатлигига таҳдид солувчи омилларни камайтиришнинг самарадорлиги асосланган;

бортда озиқ-овқат маҳсулотларини қисқа ва узоқ муддат сақлаш шароитларида маҳсулотнинг озиқавий ва биологик қиймати, ҳарорат тартиби ҳамда микробиологик кўрсаткичларидаги ўзгариш тамойиллари аниқланиб, уларнинг салбий ўзгаришларини олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

борт овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш жараёнларида кимёвий, санитария-гигиеник ва микробиологик кўрсаткичлар бўйича назорат қилинадиган танқидий нуқталарда хавф даражасини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

НАССР тизимини қўллашдан йўловчилар саломатлиги учун таҳлика берувчи омилларини ўрни баҳоланган;

борт озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқишда критик назорат нуқталари, технологик жараёнлардаги хавфли босқичларининг потенциал хавф омиллари баҳоланган;

борт озиқ-овқат, тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва тарқатишда кимёвий, санитар-гигиеник ва микробиологик кўрсаткичлар бўйича назорат қилинадиган танқидий нуқталарда хавфни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқилган;

борт озиқ-овқат, тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш жараёнида НАССР тизимини жорий этиш, хавфларни бошқариш ва критик назорат нуқталари самарадорлигини мониторинг тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган маҳсулотлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи гигиеник, аналитик, ижтимоий-гигиеник, микробиологик, биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, авиайўловчилар учун озиқ-овқат таъминоти занжирида хавф омилларни баҳолаш ва уларни минималлаштириш стратегияларни ишлаб чиқишда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти самолёт таомларини ишлаб чиқаришдаги ҳар бир технологик босқичга қўйиладиган талабларни белгиловчи стандарт ишчи жараёнлар мониторинги, яъни ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида

барча потенциал хавфли омилларни кузатиш, ҳаво транспорти хизматларидан фойдаланишда йўловчилар манфаатларини зарур даражада хавфсиз таъминлаш ва ҳимоя қилиш, самолёт таомларининг йўловчилар ва ҳаво кемаси экипажи аъзолари соғлиғига эҳтимолий зарарли таъсирини истисно қилиш имконини берадиган усулларни илмий жиҳатдан назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти авиайўловчилар учун озиқ-овқат таъминоти занжирида хавф омиллари, НАССР тизмига мос соғлом овқатланиш меъёрлари, тайёр таомларни ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида потенциал хавфли омилларини кузатиш, ҳаво транспорти хизматларидан фойдаланишда йўловчилар манфаатларини зарур даражада хавфсиз таъминлаш ва ҳимоя қилиш, самолёт таомларининг йўловчи ва ҳаво кемаси экипажи аъзоларининг саломатлик ҳолатига зарарли таъсирини истисно қилишнинг тартибли тизими ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилганлиги. Авиайўловчилар учун озиқ-овқат таъминоти занжирида хавф омилларни баҳолаш ва уларни минималлаштириш стратегияларни ишлаб чиқишни гигиеник асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: борт овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва авиайўловчиларга етказиш жараёнларида гигиеник талабларга риоя этилишини комплекс баҳолаш асосида маҳаллий хомашёни етиштиришдан тортиб тайёр маҳсулотни реализация қилишгача бўлган босқичларда критик назорат нуқталари аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 25.06.2025 йилда 0625/668-Т-сон билан тасдиқланган «Авиаёловчилар учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тарқатиш корхоналарида таҳлика омилларни НАССР системасида баҳолаш ва уларни бошқариш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 15.11.2025 йилдаги 91-Т-сон, Самарқанд вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 02.10.2025 йилдаги 141-У-сон ҳамда Фуқаро авиация объектларида санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бўйича 10.10.2025 йилдаги 21-Н-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 12.01.2026 йилдаги 01/30-сон ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* борт овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда белгиланган гигиеник талабларга риоя қилиш, маҳаллий маҳсулотларни етиштириш, уларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари гигиеник таҳлили қилиш, маҳаллий маҳсулотларни олиб келиши, сақлаш, тайёрлаш, соф ва ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотларни сақлаш, ташиш ва авиайўловчиларга етказиш давомида критик назорат нуқталарини белигилаш, технологик жараёнлардаги хавфли босқичларининг потенциал хавф омилларини олдини олишдаги талабларга риоя қилиш тартибини белгилашга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* борт овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда белгиланган гигиеник талабларга

риоя қилиш ҳисобига овқатланиш билан боғлиқ касалликларни ва овқатдан заҳарланишни олдини олиш натижасида заҳарланишларни даволаш учун сарфланадиган ўртача 4200000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: борт овқатланиш тизимида НАССР тамойилларини жорий этиш орқали маҳсулотларни сақлаш жараёнида уларнинг озиқавий ва биологик қиймати бузилишининг олдини олиш, маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда авиайўловчилар саломатлигига таҳдид солувчи омилларни камайтиришнинг самарадорлиги асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 25.06.2025 йилда 0625/668-Т-сон билан тасдиқланган «Авиайўловчилар учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тарқатиш корхоналарида таҳлика омилларни НАССР системасида баҳолаш ва уларни бошқариш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 15.11.2025 йилдаги 91-Т-сон, Самарқанд вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 02.10.2025 йилдаги 141-У-сон ҳамда Фуқаро авиация объектларида санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бўйича 10.10.2025 йилдаги 21-Н-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 12.01.2026 йилдаги 01/30-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* НАССР тизимини жорий этиш орқали борт овқатланиши маҳсулотлари сақлаш, озиқавий ва биологик қийматини бузилишини олдини олиш, маҳсулотнинг хавфсизлиги таъминлаш, йўловчилар саломатлигига таҳдид солувчи омилларнинг олдини олиш натижасида аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, йўловчилар саломатлигини сақлаш ва меҳнат қobiliятини оширишга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* борт овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда белгиланган гигиеник талабларга риоя қилиш ҳисобига овқатланиш билан боғлиқ касалликларни ва овқатдан заҳарланишни олдини олиш натижасида заҳарланишларни даволаш учун сарфланадиган ўртача 4200000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: бортда озиқ-овқат маҳсулотларини қисқа ва узоқ муддат сақлаш шароитларида маҳсулотнинг озиқавий ва биологик қиймати, ҳарорат тартиби ҳамда микробиологик кўрсаткичларидаги ўзгариш тамойиллари аниқланиб, уларнинг салбий ўзгаришларини олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 25.06.2025 йилда 0625/668-Т-сон билан тасдиқланган «Авиайўловчилар учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тарқатиш корхоналарида таҳлика омилларни НАССР системасида баҳолаш ва уларни бошқариш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 15.11.2025 йилдаги 91-Т-сон, Самарқанд вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат

саломатлиги бошқармаси бўйича 02.10.2025 йилдаги 141-У-сон ҳамда Фуқаро авиация объектларида санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бўйича 10.10.2025 йилдаги 21-Н-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 12.01.2026 йилдаги 01/30-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* бортдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг яқин ва узоқ вақт сақлашдаги ҳолати, унинг озиқавий ва биологик қиймати, маҳсулотларни сақлашдаги ҳарорат тартиби, микробиологик кўрсаткичларини ўзгаришини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар аҳолининг соғлиғи ва овқатланишида хавф омилларини эрта аниқлаш, шу асосда ижтимоий ҳимоя ва профилактик чора-тадбирларни мақсадли режалаштириш имконини беради. Соғлиқни сақлаш тизимига янги молиявий оқимлар ва имтиёзларнинг жорий этилиши аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради, инсонлар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, бўлажак мутахассисларни тайёрлаш самарадорлигини ҳамда уларнинг меҳнат қобилиятини оширишга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* борт овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда белгиланган гигиеник талабларга риоя қилиш ҳисобига овқатланиш билан боғлиқ касалликларни ва овқатдан заҳарланишни олдини олиш натижасида заҳарланишларни даволаш учун сарфланадиган ўртача 4200000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: борт овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш жараёнларида кимёвий, санитария-гигиеник ва микробиологик кўрсаткичлар бўйича назорат қилинадиган танқидий нуқталарда хавф даражасини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 25.06.2025 йилда 0625/668-Т-сон билан тасдиқланган «Авиайўловчилар учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тарқатиш корхоналарида таҳлика омилларни НАССР системасида баҳолаш ва уларни бошқариш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 15.11.2025 йилдаги 91-Т-сон, Самарқанд вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 02.10.2025 йилдаги 141-У-сон ҳамда Фуқаро авиация объектларида санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бўйича 10.10.2025 йилдаги 21-Н-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 12.01.2026 йилдаги 01/30-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* борт овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишда кимёвий, санитария-гигиеник ва микробиологик кўрсаткичлар бўйича назорат қилинадиган танқидий нуқталарда хавфни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* борт овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда белгиланган гигиеник талабларга риоя қилиш ҳисобига овқатланиш билан боғлиқ касалликларни ва овқатдан заҳарланишни олдини олиш натижасида заҳарланишларни даволаш учун сарфланадиган ўртача 4200000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, хотима, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифига бағишланган, унинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Авиайўловчилар учун озиқ-овқат таъминоти занжирида хавф омилларини гигиеник баҳолашнинг замонавий ёндашувлар**» деб номланган биринчи бобида мавзунинг долзарблиги хорижий ва маҳаллий илмий манбалар таҳлили асосида, авиайўловчиларни самолёт бортида озиқ-овқат билан таъминлаш тизими, овқатланиш рационининг шакллантирилиши, унинг хавфсизлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар таҳлиliga бағишланган. Шунингдек, ушбу бобда парвоз давомийлиги, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва ташиш жараёнларида микронутриентлар сақланиш даражаси, уларнинг экипаж ва йўловчилар саломатлигига таъсири ҳамда рационни потенциал хавфларни камайтиришга қаратилган муаллифлик ёндошуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Авиайўловчилар учун озиқ-овқат таъминоти занжирида хавф омилларини гигиеник баҳолашнинг тадқиқот материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари батафсил ёритилган.

Илмий тадқиқотларни ўтказиш объекти сифатида Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган авиакомпаниялар кейтеринг хизматлари, аэропортлардаги озиқ-овқат тайёрлаш ва сақлаш бўлимлари, шунингдек, самолёт бортида авиайўловчиларга таклиф этиладиган овқат маҳсулотлари танлаб олинган.

Лаборатор таҳлиллар фуқаро авиация объектларида санитария-эпидемиологик осойишталик маркази санитар-гигиеник лабораторияси ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Миллий референс лабораторияларида амалга оширилган. Тадқиқот жараёнида авиайўловчилар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларининг санитария-гигиеник ҳолати, кимёвий таркиби, микронутриентлар миқдори, уларни тайёрлаш, сақлаш ва ташиш шароитлари ҳамда озиқ-овқат таъминоти занжирида юзага келувчи хавф омиллари комплекс равишда баҳоланган. Тадқиқот давомида авиайўловчиларнинг ёши ва жинси, парвоз давомийлиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг озиқавий ва биологик қиймати, сақланиш даражаси таҳлил қилинган. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва сифати санитар-гигиена меъёрлари асосида баҳоланган. Тадқиқот доирасида жами 1250 та самолёт борти учун тайёрланган овқат намуналари ҳамда турли парвоз йўналишларидаги авиайўловчилар ўртасида ўтказилган кузатув ва сўровнома материаллари таҳлил қилинган ва рейслар вақти ва давомийлиги 1-жадвалда келтирилган.

1–жадвал

Тадқиқот учун олинган авиайўловчилар сони

№	Парвоз (ёки рейс) тури	Йўловчилар сони	Гуруҳ	Эркак	Аёл	Жами
1	Қисқа масофали рейслар	323	Тадқиқот	51	48	99
			Назорат	102	122	224
2	Ўрта масофали рейслар	505	Тадқиқот	57	58	115
			Назорат	198	192	390
3	Узоқ масофали рейслар	422	Тадқиқот	61	53	114
			Назорат	163	145	308

Намуналар қисқа, ўрта ва узоқ масофали парвозлар кесимида ўрганилган. Авиайўловчилар овқатланиш рационини гигиеник баҳолаш мақсадида халқаро тавсиялар (ICAO, WHO) ҳамда миллий санитария қоидалари асосида хавф даражасига кўра гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинган.

Материаллар экспедиция шароитида йилда 4 марта (қиш, баҳор, ёз ва куз мавсумларида) ўртача кунлик кўрсаткичларда 14 кун давомида ҳаво лайнеларидаги йўловчиларнинг истеъмол қилган аниқ маҳсулотларни ҳисоб варақасида қайд этилган ва СанНваҚ 0007-2020 «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ёшга, жинсга ва касбий фаолияти гуруҳлари учун соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртача кунлик рационал овқатланиш нормалари» санитария меъёр ва қоидалари талаблари билан солиштирилган. Кунлик рационда асосий озиқа моддалар ва энергетик қиймати **«Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби»** бўйича ҳисобланган.

Ушбу тадқиқотда авиайўловчилар учун самолёт бортида тақдим этиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари лаборатория шароитида гигиеник, санитар-гигиеник ва санитария-эпидемиологик жиҳатдан текширилди.

Маҳсулотлар «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига бўлган гигиеник талаблар» (СаҚваН 0366-19) санитария қоида ва нормаларига тўлиқ

мувофиқлиги лаборатория шароитида ва гигиеник таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Авиайўловчилар учун самолёт бортида тақдим этиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг биологик, токсикологик ва санитария-эпидемиологик хавфсизлик кўрсаткичларини баҳолаш натижалари**» деб номланган учинчи бобида авиакейтеринг тизимида қўлланиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлик кўрсаткичлари лаборатория шароитида текшириш натижалари келтирилган. Ушбу бобда самолёт бортида авиайўловчиларга тақлиф этиладиган овқат маҳсулотларининг санитар-гигиеник ҳолати, микробиологик, токсикологик хавфсизлиги ҳамда амалдаги санитария-эпидемиологик талабларга мувофиқлиги комплекс равишда баҳоланган.

Тадқиқот натижалари озиқ-овқат тайёрлаш, сақлаш, ташиш ва хизмат кўрсатиш босқичларида юзага келувчи хавф омилларини аниқлаш ҳамда уларни минималлаштириш бўйича илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқишга хизмат қилди.

Тадқиқот натижалари самолёт бортида озиқ-овқат тайёрлаш, сақлаш ва йўловчиларга етказиб бериш жараёнларида юзага келувчи хавф омилларини баҳолаш ва минималлаштириш бўйича илмий асосланган хулосалар чиқариш имконини берди.

2-жадвал

Самолёт бортида озиқ-овқат маҳсулотлари таҳлили


№	Маҳсулот	Намуналар сони	Санитария-гигиеник кўрсаткичлар	Хавфлилик даражаси
1	1-рақамли рацион таркиби	30	гигиеник талабга мос келади	хавфсиз
2	2-рақамли рацион таркиби	25	гигиеник талабга мос келади	хавфсиз
3	3-рақамли рацион таркиби	40	гигиеник талабга мос келади	хавфсиз

2-жадвал таҳлилидан кўриниб турибдики, таёр озиқ-овқат маҳсулотларда озиқавий ва биологик жиҳатдан хавф туғдириши мумкин бўлган компонентлар мавжуд эмас, унга фақат самолёт бортида овқат маҳсулотларининг санитария-гигиеник талабларга мувофиқлигини таъминлаш учун текширилган. Лаборатор текширувлари авиакомпаниялар кейтеринг хизматлари томонидан тайёрланадиган самолёт борти озиқ-овқат маҳсулотларининг санитар-гигиеник, токсикологик ва микробиологик жиҳатдан хавфсизлик кўрсаткичларини баҳолаш мақсадида олиб борилган

Текширувлар санитария-эпидемиологик қоидаларга мувофиқ амалга оширилган бўлиб, норматив-услубий хужжатлар асосида маҳсулотларнинг санитар-гигиеник ҳолати, лаборатория текширувлари натижалари ва хавфсизлик кўрсаткичлари баҳоланди ва гигиеник таҳлил қилинди. Лаборатор текширувлари санитар-гигиеник стандартларига мувофиқ олиб борилди.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг санитар-гигиеник, токсикологик ва микробиологик кўрсаткичлари лаборатория шароитида баҳоланганда, текширув жараёнида маҳсулотларнинг гигиеник ҳолати, тайёрлаш, сақлаш ва ташиш жараёнларида хавф омилларининг ҳавфсизлиги аниқланди. Ҳар бир озиқ-овқат намунаси стандарт усуллар асосида таҳлил қилинган ва йўловчилар учун ҳавфсизлиги баҳоланган.

Кейинги вазифамизда борт маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида тез бузиладиган маҳсулотларнинг таркибидаги колиформ бактериялар ва ҳароратнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолатлар 1-расмда келтирилган.



Изоҳ: Барча кўрсаткичлар статистик жиҳатдан ишончли ($p < 0.001$).

1-расм. Колиформ бактериялари ва ҳарорат бузилиши кўрсаткичларининг статистик таҳлили

Умуман олганда, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлилида ($n=25$) ўрганилган микробиологик ва технологик кўрсаткичлар ўртасида ўзаро узвий боғлиқлик мавжудлиги, КМАФАнМ кўрсаткичи ўртача 778.8 ± 6.8 ни (Min–Max: 718–842), колиформ бактериялар миқдори 1.605 ± 0.031 ни (Min–Max: 1.34–1.86), ҳарорат бузилиши кўрсаткичлари 13.98 ± 0.154 ни (Min–Max: 12.75–15.25), шунингдек, КМАФАнМ ошиши 1.38 ± 0.015 ни (Min–Max: 1.26–1.50) ва статистик ишончли ($P < 0.001$) эканлиги исботланди ва бу ҳарорат тартибининг бузилиши микробиологик кўрсаткичларнинг ортишига олиб келишидан далолат беради.

Олинган натижалар совуқлик занжирига қатъий риоя қилиш, ҳарорат тартиби устидан мунтазам мониторинг ва санитар-гигиеник талабларга тўлиқ амал қилиш озиқ-овқат маҳсулотларининг микробиологик ҳавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини илмий жиҳатдан асослайди.

Диссертациянинг «Турли йўналишлардаги самолёт бортида йўловчилар учун тақдим этиладиган озиқ-овқат маҳсулотларида хавф омилларини гигиеник таҳлил натижалари» деб номланган тўртинчи бобида самолёт бортида овқатлантириш тизимидаги маҳсулотлар, уларнинг таркиби ва

миқдори, шунингдек, парвоз тури ва мавсумга қараб овқатланиш рационининг ўзгарувчанлиги амалдаги санитария меъёр ва қоидаларига мувофиқлиги гигиеник жиҳатдан баҳоланган. Ушбу таҳлилда озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби лаборатория текширувлари натижалари асосида аниқланиб, уларнинг хавф-хатар кўрсаткичлари кўп омилли таҳлил ва мета-таҳлил усуллари орқали тизимлаштирилди ва натижада самолёт бортида овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва йўловчиларга етказиб бериш жараёнларида юзага келувчи хавф омиллари илмий асосда баҳоланган.

3-жадвал


Самолёт бортида тайёр таомнинг йил фасллар кесимида миқдор кўрсаткичлари

№	Маҳсулот номи	Меъёр, г	Қиш	Баҳор	Ёз	Куз
1	Нон	100	85,0±5,5	95,0±4,2	98,0±3,1	90,0±6,0
